

# THE ROLE OF DYNAMIC GAMES IN THE PHYSICAL AND MENTAL DEVELOPMENT OF YOUNG ATHLETES IN JUDO

**SS Abdukholiqov**

He is a teacher at the Tashkent Institute of Architecture and Construction

**Abstract:** If we turn to history, the earliest examples of folk movement games began to appear in the time of primitive society. For hundreds of years, our devoted people have created, polished and perfected every game with all their heart. He has carefully selected different types of games for future generations.

Keywords: Games, Athletes, Judo, Physical And Mental Development Of Young

## ДЗЮДО КУРАШИДА ЁШ СПОРТЧИЛАРНИ ЖИСМОНИЙ-РУХИЙ ИНТЕЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНИШИДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИНГ ЎРНИ

**С.С.Абдухоликов**

Тошкент архитектура-қурилиш институти ўқитувчisi

Тарихга мурожаат қиласиган бўлсак, ибтидоий жамоа давридаёқ ҳалқ ҳаракатли ўйинларининг дастлабки наъмуналари пайдо бўла бошлаган. Фидоий ҳалқимиз неча юз йиллар давомида ҳар бир ўйинни қалб-кури билан яратди, сайқаллади ва мукаммалаштириди. Сараланган ўйин турларини келгуси авлодлар учун кўз қорачигидай асраб-авайлаб келди.

Тараққиётнинг ҳар қандай босқичларида ҳам катта авлод вакиллари кенжা авлод вакиллари учун ёрдам қўлларини чўзиб, имкон қадар, ўз тўплаган билим ва тажрибаларини севимли машғулотларига бўлган муносабатларини ёшларга ҳам тинмай ўргатиб, тадрижий боғланишни вужудга келтириди.

Натижада, ёшларда жисмоний тарбияга бўлган интилиш кучайиб бу ҳол одатий бўлиб борган. Агар ҳалқ ҳаракатли ўйинларини синчиклаб ўрганадиган ва уларнинг ҳар бирини кўриб танишадиган бўлсак, нафақат кўзингиз қувнайди, балки бу қалбинизга маънавий етуклик, жисмоний баркамоллик тухфа этади.

Демак ёшларни жисмоний тарбиялаш жараёнида ҳалқ ҳаракатли ўйинларидан ўз ўрнида кўпроқ фойдаланилса, ўйинларнинг таъсирчанлиги ҳам ошади. Бунинг мамлакатимиз ва миллатимизнинг дунё миқёсидаги нуфузи юксалиши учун аҳамияти катта. Шундай қилиб, ҳалқ яратган ҳаракатли ўйинлар меҳнат, турмуш тарзи, атроф-мухит табиати, ҳалқнинг маданий мероси, анъаналари, урф-одатлари, умуминсоний қадриятлари билан бирикиб, ажойиб мутаносибликни хосил қиласи.

Ўзбек ҳалқ ўйинларини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва уни ёшларни тарбиялаш амалиётига жорий қилиш, ўз қадриятларимиз, маданиятимиз ва маънавий бойликларимизнинг юксакликка кўтарилишида асосий воситалардан бири хисобланади. Ҳалқ яратган буюк хазинани эҳтиёт қилиб сақлашимиз, миллийлик бўёғини асраримиз ҳамда уни келажак авлод учун бекам-у кўст етказишимииз зиммамиздаги асосий вазифадир.


Нима учун узок ўтмишдан бери халқ ҳаракатли ўйинлариға бундай бекиёс ахамият берилиб келинган? Уларни ички ва ташқи моҳияти нимадан иборат? Нима учун бугунги кунда ҳам таълим-тарбия муассасаларида, спорт мактабларида ва соғломлаштириш масканларида халқ ҳаракатли ўйинлари фан сифатида ўкув-машғулот режа дастурларидан жой олган? – деган ўринли саволлар туғилади. Гап шундаки, 1891 йилда илк бор баскетболни ихтиро қилган коллеж ўқитувчиси америкалик Джеймс Нейсмит, 1895 йилда биринчи бўлиб волейболни яратган ва коллеж талабалари ўкув фаолиятига жорий этгган Уильям Морган (АҚШ) лар ҳамда мазкур йўналишда илмий изланишларни олиб бораётган кўплаб мутахассис – олимлар тадқиқотлариға қараганда жисмоний тарбия машғулотларида доимо гимнастика, югуриш каби стандарт машқлар билан шуғулланиш асаб-нерв органлариға салбий таъсир кўрсатар экан, бирхиллик хусусиятига эга бундай стандарт (стереотип) машқлар мушак, тўқима ва толаларда тезроқ толиқиши аломатларини юзага келтирадар экан.

Кузатувчилар ва тадқиқотлар асосида исботланганки, жисмоний тарбия дарсларида ёки бўш вақтларда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш инсон организмининг функционал органлар фаолиятини бошқарувчи марказий нерв тизимиға ҳар томонлама ижобий таъсир этар экан. Ҳаракатли ўйинлар давомида болаларни муайян ролларга, образларга (овчи, мерган, топқир, айиқ-полвон, тулкивой ва бошқ тақлидлар) кириб кетиши уларда излаш, ижодкорлик, топқирлик, зукколик ва бошқа шу каби хислатларга эришишга ундовчи мотивацияни юзага келтириб, нафақат ушбу тақлид, балки ҳаракатга бўлган эҳтиёжни қондириш йўлларини топишга чорлар экан. Дарҳақиқат, халқ ҳаракатли ўйинларининг турлари ва мазмуний шакллари ҳилма-хил бўлиб, улар хотира, диққат, идроқ, онг, тафаккур, иродада каби қобилиятлар, талаффуз, нутқ, интонация каби хислар, ҳамжихатлик, ҳақгўйлик, ватанпарварлик, ўзаро ёрдам бериш, одоб-аҳлоқ, мардлик, ботирлик, жасурлик каби фазилатларни шакллантиради, тарбиялади. Шунинг учун ҳам умумбашарий ва миллий халқ ҳаракатли ўйинлари инсон саломатлиги, унинг дунёқарashi, ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол шахс сифатида тарбиялашда устивор восита эканлиги исбот талаб қилмайди.

Барча спорт турлари бўйича фаолият юритаётган тренер-ўқитувчилар ва мутахассис-олимлар танланган спорт турига мансуб жисмоний сифатларни ривожлантиришда техник-тактик кўнилмаларни шакллантиришда, айниқса спорт амалиётида ўта муҳим ахамиятга эга – хотира, онг, диққат, идроқ, тафаккур ва ирода каби руҳий хислатларни сайқал топишида шу спорт турига турдош бўлган ҳаракатли ўйинлар устивор ахамиятга лойиқ эканлигини тасдиқлашади.

Шу сабабли мисол тариқасида кураш спорт туридан (халқаро кураш турларидан дзюдо спорт туригахам мослаш мумкин) миллий ҳаракат ўйинларидан бири бўлган “Тортиб чизиқдан ўтказиш” ўйинининг моҳиятини ёритамиз.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар teng икки командага бўлинадилар. Иккала командаға ҳам бўйи ва вазни жиҳатидан таҳминан teng бўлган ўйинчилар киритилади. Майдон ёки зал ўртасидан чизиқ ўтказилади. Командалар чизиқнинг икки томонидан бир-бирларига юзма-юз саф тортиб турадилар. Бўйи ва вазни жиҳати teng ўйинчилар бир-бирининг қаршиисига жойлаштирилши керак. Хар бир команда-дан 4-5 қадам нарида очколарни ҳисоблаб борувчилар туради .



Үйин раҳбарнинг сигнали билан бошланади. Ҳап бир команда бошқа команда ўйинчиларидан кўпроғини чизикдан ўз томонига тортиб ўтказишга ҳаракат қиласи. Тортиб ўтказилган ўйинчи ўзини тортиб ўтказган команданинг ҳисобчиси олдига келиб, кафтини унинг кафтига тегизиши шарт. Шундан кейингина у чизикдан қайтиб ўтиши ва яна ўз командасида ўйнаш хукуқига эга бўлади. Ҳисобчилар тортиб ўтказилган ўйинчиларни санаб борадилар. Ҳар бир тортиб ўтказилган ўйинчи учун команда битта очко олади. Ўйинда кўпроқ очко тўплаган команда ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. **Ўйинчини фақат қўлидан ушлаб тортиш мумкин.** 2. **Биттадан, жуфтлаб, бирйўла бир қанча ўйинчини тортиб ўтказиш ҳам мумкин.** 3. **Иккала оёғи чизикдан ўтказилган ўйинчигина тортиб ўтказилган ҳисобланади.** 4. **Ўйинчиларнинг кийимидан, оёғидан ушлаб тортиш тақиқланади.**

**Еслатма.** Бу ўйинни танаффуссиз бир дақиқагача давом эттириш мумкин. Шунча вақт ўтгандан кейин қисқа танаффус берилади ва ўйин яна бир марта такрорланади. Тирноғи ўсган болалар ўйинга қатнаштирилмайди.

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатлари – қўл билан ушлаб тортиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

- 1.Т.С. Усманхужаев . Спорт турларига турдош ҳаракатли ўйинлар.
- 2.Усмоноджаев Т.С., Бурнашев И.И., Мелиев Х.А. 500 ҳаракатли ўйинлар: